*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ▲ № 77 (8817). ● 12 апрель, 1986 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

10 апрель куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев мажлисда сўзга чиқиб, Куйбишев ва Тольятти шаҳарларига қилган сафаридан, меҳнаткашлар, партия-хўжалик активи билан учрашувлардан олган таассуротларини гапириб берди. Сиёсий бюро ана шу учрашувлар вақтида жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, капитал қурилиш сифатини яхшилаш ва унинг суръатларини ошириш, социал проблемаларни, айниқса меҳнаткашларни уй-жойлар, медицина ҳамда болалар муассасалари билан таъминлаш проблемасини сабот билан ҳал этиш борасида ўртага қўйилган масалаларнинг муҳимлигини қайд этиб ўтди. КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш борасидаги амалий ишларни кучайтириб бориш зарурлиги, бу ишда дабдабабозлик, шовқин-сурон ва мажлисбозликка йўл қўйиб бўлмаслиги уқтириб ўтилди. Уюшқоқлик ва интизом, тўла самара билан ишлаш, барча ходимларнинг ташаббускорлик ва масъулиятни юксак даражада ҳис этиши — партия режаларини, съезд қарорларини амалга оширишнинг асосий шартидир.

Сиёсий бюро мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни такомиллаштиришнинг КПСС XXVII съезди йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Сиёсий бюро халқ хўжалигининг барча тармоқлари, илм-фан ва маданиятнинг ҳамма соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида совет олий ва ўрта махсус мактаби катта иш қилганлигини қайд этиш билан бирга кейинги вақтларда бу ишда қолоқлик юз бераётганлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Таълим ва тарбия даражаси мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини тез ўзлаштириш вазифаларига тўлиқ мос келмаяпти. Бу эса экономикага, бутун жамиятнинг шитоб билан ривожланишига узоқ муддатли таъсир ўтказишнинг ғоят муҳим омили бўлмиш олий ва ўрта махсус таълимнинг ролини оширишни талаб этади.

Шу мақсадда мутахассислар тайёрлаш, тарбиялаш ва улардан фойдаланишни тубдан яхшилаш, таълим, ишлаб чиқариш ва фанни интеграциялашни кучайтириш, илмий кадрлар ва илмий-педагог кадрларнинг сифат составини яхшилаш, ўқув юртларининг техника билан таъминланиш даражасини ошириш мўлжалланмоқда. Олий ўқув юртлари ўтказаётган илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг миқёсларини анча кенгайтириш, мамлакатда олий ва ўрта таълимни бошқаришда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ролини ошириш, ўқув юртларининг ҳуқуқлари ва масъулиятини кучайтириш назарда тутилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда концерт фаолиятини янада яхшилаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Бу қарор концерт репертуарининг ғоявий-бадиий савиясини ва ижро этиш сифатини ошириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ижрочиларни профессионал жиҳатдан тайёрлашни яхшилаш, концерт ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялашда музика санъатининг ролини кучайтириш борасида мана шу ташкилотлар фаолиятига доир бошқа масалаларни ҳал этиш мақсадини кўзлайди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг ФРЕЛИМО партияси раиси, Мозамбик Халқ Республикаси президенти С. Машель билан учрашуви ҳамда Совет-Мозамбик музокараларининг якунларини маъқуллади. Мозамбик халқининг империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши адолатли кураши билан бирдамлик, КПСС билан ФРЕЛИМО партияси, Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш муддаоси таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Австрия Республикаси федерал канцлери Ф. Зиновац билан ўтказган суҳбати натижалари кўриб чиқилди. Совет-Австрия муносабатларининг ривожланишидан мамнуният ҳамда бу муносабатларни ҳар иккала мамлакат манфаатлари, Европада ва бутун дунёда давлатларнинг тинч ҳамкорлиги манфаатлари йўлида кенгайтириб боришга тайёрлик изҳор қилинди.

Ўртоқ Н. И. Рижковнинг Болгария Коммунистик партияси XIII съезди ишида КПСС делегациясининг иштироки, делегациянинг ўртоқ Т. Живков ва Болгариянинг бошқа раҳбарлари билан ўтказган суҳбатлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сиёсий бюро делегациянинг фаолиятини маъқуллаб, КПСС билан БКПнинг, Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикасининг дўстлиги ва ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлигини, уларнинг марксизм-ленинизм ҳамда социалистик интернационализм принциплари асосидаги сиёсий ва ғоявий бирлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга бўлган азму қарорини тасдиқлади.

Сиёсий бюро иқтисодий, савдо-сотиқ ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи Совет-Хитой комиссияси биринчи мажлисининг якунларини кўриб чиқиб, СССР билан ХХР ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўсиб бораётганлиги уларнинг бошқа соҳалардаги муносабатларини ҳам яхшилашга кўмаклашади, бу эса иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга оид ҳамда партия ва давлатнинг совет халқи бунёдкорлик меҳнати учун зарур шарт-шароитларни яратишга, бутун инсониятнинг тинч келажагини таъминлашга қаратилган ташқи сиёсий йўлини рўёбга чиқариш вазифаларини амалда ҳал этишга тааллуқли бошқа бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилди.

# ТИНЧЛИК ОРБИТАЛАРИДА

Ернинг биринчи сунъий йўлдоши Бойқўнғир космодромида учирилишидан ва Юрий Гагариннинг парвозидан бошланган инсоннинг космик фазога чиқиши ҳозирги замон жамияти турмушининг ҳамма соҳаларига чуқур таъсир қилди. Атом ядроси энергиясини жиловлаш ва электрон ҳисоблаш машиналарини яратиш билан бир қаторда космик тадқиқотлар ҳозирги фан-техника революциясининг энг муҳим йўналиши бўлди.

Инсон биринчи бўлиб космосга парвоз қилган кун ва Космонавтика куни 25 йиллигига бағишланиб, 11 апрель куни Союзлар уйининг Колонна залида пойтахт жамоатчилигининг тантанали мажлиси бўлди.

Президиумда Г. А. Алиев, М. С. Соломенцев, С. Л. Соколов, М. В. Зимянин ўртоқлар бор эдилар. СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, таниқли совет олимлари, конструкторлар, СССР космонавт-учувчилари, СССР министрлари, ҳарбий бошлиқлар, ишлаб чиқариш илғорлари улар билан бирга президиумда ўтирибдилар.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик В. А. Котельников доклад қилди. Совет граждани Юрий Алексеевич Гагарин дунёда биринчи бўлиб космик фазога парвоз қилган ва «Восток» кемасида Ер атрофини айланиб учган кундан буён чорак аср вақт ўтди. Вақт ўтиб борган сайин бу ажойиб воқеанинг аҳамияти тобора кенгроқ намоён бўлмоқда. КПСС XXVII съездида фан-техника тараққиёти негизида мамлакат социал-иқтисодий ривожини жадаллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари орасида космик фазони тадқиқ қилиш ҳам тилга олинди. Съезд Ер юзидаги қуролланиш пойгасига қарши ва бу пойгани космик фазога кўчиришга қарши қатъий фикр билдирди ҳамда янги таҳрирдаги КПСС Программасида: «Космосни тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш фақат тинч мақсадларда, фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, барча халқларнинг эҳтиёжларига мувофиқ амалга оширилиши лозим» деган Совет космонавтикасининг асосий шиорини абадул-абад тасдиқлади.

Докладчи совет космонавтикасининг чорак аср мобайнида босиб ўтган асосий босқичларини эслатди. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилганидан ва Юрий Гагариннинг парвозидан сўнг космонавтика жуда катта йўлни босиб ўтди ва бу йўлда Совет Иттифоқи улкан ютуқларга эришди.

КПСС XXVII съезди арафасида янги туркум станцияси — «Мир» орбитал илмий станцияси учирилганлиги космик техникадан ердаги кўпгина технологияларнинг эҳтиёжлари мақсадида фойдаланиш учун янги имкониятлар очди. Унинг олтита туташтириш узели орбитада ихтисослаштирилган модуллар ёрдамида халқ хўжалигига хизмат қилувчи ва кўп мақсадларни кўзловчи илмий-ишлаб чиқариш комплексларини йиғиш имконини беради. Бинобарин, бугун, жаҳон космонавтикасининг байрами арафасида шу станция синовчиларининг биринчи экипажи — Леонид Кизим билан Владимир Соловьевга салом йўллаш ҳаммамиз учун жуда ёқимлидир.

Сўнгра олим алоқа ва навигация системаларини, метеорологияни ҳамда табиий муҳитни ўрганишни такомиллаштиришда космик техникани кенг қўллаш ҳақида гапириб берди. Совет кемалари ва станцияларида халқаро экипажларнинг биргаликдаги учишлари программаси давом эттирилади, деди у. Ҳозир Сурия Араб Республикасидан келган космонавтликка икки номзод

(Давоми 2-бетда).

# ҲАММАМИЗ, ҲАР БИРИМИЗ САФАРБАРМИЗ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ БИР ГРУППА ДЕЛЕГАТЛАРИНИНГ ОБЛАСТИМИЗ ИШЧИЛАРИ, ҚУРУВЧИЛАРИ, АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ МЕҲНАТКАШЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, МУТАХАССИСЛАРИ ВА ОБЛАСТИМИЗНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

## *ОЧИҚ ХАТИ*

МУҲОКАМАДА

### ТЕЗРОҚ ҚАЙТА ҚУРАЙЛИК

**КПСС XXVII съезди бир группа делегатларининг областимиз халқ хўжалигида меҳнат қилаётган барча меҳнаткашларига Очиқ хатини ўқиб, гапнинг очиғи, жуда тўлқинланиб кетдим. Ишлаб чиқариш илғорларининг жонкуярлик билан барчани сидқидилдан, виждонан ишлашга чорлаётган бу Мурожаати КПСС XXVII съезди материаллари билан ҳамоҳанглиги қувонарлидир. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Тольятти шаҳрида автомобилсозлар билан бўлган учрашувда айтган, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар маълум даражада Очиқ хатда ҳам ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Съезд делегатлари пойтахт областимизда ҳамон қурилишда жиддий камчиликлар мавжудлигини таъкидлаб, уларни бартараф этиш учун ишни қайта қуриш зарурлигини айтибдилар. Зеро, ўртоқ М. С. Горбачев автомобилсозлар билан учрашувда бу ҳақда шундай деди: «Тезроқ қайта қуриш, янги методларни, ишга янгича ёндошишни ўзлаштириб олиш керак. Эски издан бориладиган бўлса, партия белгилаган вазифалар муваффақиятли бажарилишига умид қилиш қийин».**

**Бизнинг шаҳарсозлик бошқармамизда ҳам бир қатор олға силжишлар сезиляпти. Айни пайтда шуни очиқ айтиш керакки, узоқ йиллар давомида қурилишда ҳукм суриб келган хўжасизлик, материалларнинг объектларга ўз вақтида етиб келмаслиги фактларига кескин барҳам берилмаяпти. Съезд қарорлари, Очиқ хатда айтилган фикрлар мана шу нуқсонларга яна бир бор тийрак нигоҳ билан қараб, уларни тезда бартараф этишга даъват қилади.**

**Х. НОРМАТОВА,**
Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг бўёқчиси, СССР Олий Советининг депутати.

### ХИЗМАТ ЯНАДА ЯХШИЛАНСИН

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ДА эълон қилинган 12 нафар съезд делегатининг пойтахт областимиз меҳнаткашларига Очиқ хатини зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Ундаги, айниқса, «Аксарият ишчи-хизматчилар бизнинг хизматимиз орқали корхона ва муассасаларга борадилар, уйларига қайтадилар. Бизнинг графикни бузишимиз, сифатсиз ишлашимиз натижасида ишдан кечиккан ишчининг ўша куни кам маҳсулот ишлаб чиқариши, бунинг устига эса унга «интизомсиз» тамғаси босилиши табиий», деган сўзлар менга чуқур таъсир қилди.

Дарҳақиқат, у ёки бу ҳайдовчининг тартибсизлиги моддий ишлаб чиқаришгагина эмас, айни вақтда кишининг маънавиятига ҳам ёмон таъсир кўрсатади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев буни Тольятти шаҳри меҳнаткашлари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида ҳам яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Пойтахтимиз аҳолисига яхши хизмат кўрсатиш учун автопаркимизда кейинги вақтда талайгина хайрли ишлар амалга оширилди. Жамоат транспорти ҳаракати қатнови, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданияти анча яхшиланди. Буни мен ўзим хизмат қилаётган 64-автобус маршрутида ҳам, айниқса, яққол сезаман. Ҳамкасбларим, беш йиллик зарбдорлари Муҳаммаджон Боботоев, Эркин Бегматов, район Советининг депутати Адҳам Самиғов, Баҳодир Аҳмаджонов, Абдували Арслоновлар яқинда бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Бу ташаббусга кўпчилик шофёрларимиз қўшилди, жумладан мен ҳам. Мақсадимиз — аввалгидан яхшироқ ишлаш, Очиқ хат муаллифлари айтганидек, ишда янада кўпроқ самарадорликка эришиш, аҳолига хизмат соҳасини тубдан қайта қуриш, бунда кўпроқ инсон омилига эътиборни кучайтиришдир. Биз бу сўзларга бир жон, бир тан бўлиб қўшиламиз, сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз.

**Р. НАЗАРОВ,**
**18-автопарк ҳайдовчиси, Шуҳрат ордени кавалери.**

**РЕДАКЦИЯДАН:**

**КПСС XXVII съезди бир группа делегатларининг «Очиқ хати» эълон қилиниши муносабати билан редакцияга турли меҳнат коллективлари вакилларининг хат-хабарлари кела бошлади. Бугун ана шуларнинг айримлари эълон қилинмоқда. Хат-хабарлар, мақолаларда делегатлар газетада кўтарган масалаларнинг ниҳоятда муҳимлиги ва долзарблиги таъкидланмоқда, уларнинг фикр-мулоҳазалари, чақириқлари қўллаб-қувватланмоқда.**

**Съезд делегатларининг «Очиқ хати» жойларда ўрганилиб, қизғин муҳокама қилинаётир. Уларда ишчилар, қурувчилар, инженер-техник ходимлар, агросаноат комплекси меҳнаткашлари ўзларининг конкрет таклифлари билан чиқмоқдалар. Меҳнаткашлар билдираётган таклифлар, истак ва мулоҳазалар — ошкора фикр юритишлар газета саҳифаларида ёритиб борилади. Шу муносабат билан биз барча меҳнат коллективлари, турли касбдаги ишчи-хизматчилар, халқ хўжалиги мутахассисларига, ўз фикр ва мулоҳазасини изҳор этмоқчи бўлган ҳар бир кишидан қуйидаги саволларга жавоб беришларини илтимос қилмоқчимиз.**

● СИЗ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ИШ ЖОЙИДА УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШ МУМКИН?

● СИЗНИНГ КОЛЛЕКТИВИНГИЗ, БРИГАДА, ЦЕХ, ФЕРМАНГИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ОШИРИШГА ЭРИШМОҚЧИ?

● ИШНИ БИРМУНЧА ТЕЖАМЛИ ЮРИТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ БОРМИ, УЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

● ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ КОНКРЕТ НИМАЛАРДА ДЕБ БИЛАСИЗ?

● ИШНИ ҚАЙТА ҚУРИШ, УНИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН ШАХСАН ЎЗИНГИЗ ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДАСИЗ?

**Ана шу саволларга сизлар томонингиздан олинадиган жавоблар «Очиқ хат»ни эълон қилишдан кўзланган мақсадга эришишда амалий ёрдам бериши шубҳасиз.**

**Сизларнинг ҳозиржавоблигингизга катта умид боғлаймиз, қадрли дўстлар!**

# *ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА*

## СУВ КАМЧИЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ ВА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШНИНГ ШОШИЛИНЧ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни таъкидлайдиларки, куз, қиш ва баҳор даврида об-ҳавонинг ноқулай келиши натижасида республикадаги ҳозир вужудга келган сув хўжалиги вазияти асосий дарё ҳавзаларида сув тақчиллигини келтириб чиқарди. Гидрометеорология хизмати маълумотларига қараганда, ёғингарчилик миқдори, сув запаслари ва кутилаётган сув оқими нормадагидан ва 1985 йил даражасидан анча кам бўлади.**

Республика территориясининг асосий текис қисмида октябрь—март ойларида ёғингарчилик миқдори норманинг 50—70 проценти атрофида ҳамда 1984—1985 йиллардагидан 2—2,5 баравар кам бўлди. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида сув оқими 70 процент ва ундан ҳам камроқ бўлиши кутилмоқда. Сув тақчиллиги муносабати билан республикада сув истеъмол қилишнинг қисқартирилган лимитлари белгиланди, жумладан Амударё бўйича ўтган йилги амалдаги сарфланган сувдан 3 миллиард кубометр кам, Сирдарёда эса 1,5 миллиард кубометр кам қилиб белгиланди.

Суғорма деҳқончиликни сув билан таъминлашдаги кескин вазият партия, совет ва хўжалик органларидан, бошланғич партия ташкилотларидан ҳамда агросаноат комплексининг барча меҳнаткашларидан бутун куч-ғайратни сув танқислигига қарши курашга, қўшимча сув манбаларини аниқлашга, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун махсус агротехника тадбирларини қўлланишга қаратишни талаб қилади.

Айни пайтда, сув кам бўлишига қарамай, ҳамма жойда ҳам сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмаяпти. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё областларида шўр ювиш ва нам тўплаш учун ерларни суғоришда ортиқча сув сарфланишига йўл қўйилди. Республиканинг бир қанча районларида нам сақлаб қолишнинг агротехника тадбирлари етарли даражада амалга оширилмаяпти. Каналларга бетон ётқизиш, насос-қувват ускуналарини, артезиан қудуқларини қуриш ва ремонт қилиш ишлари суст бормоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда область, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетига ҳамда унинг жойлардаги органларига экиш кампаниясини қисқа агротехника муддатларида ўтказиш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, экинларни кечаю-кундуз суғоришни таъминлашни кўзда тутиб, сув хўжалиги коллективлари, колхозчилар, совхоз ишчилари орасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтиришни топширдилар.

Тупроқда намни сақлаб қолишни таъминлайдиган қатор ораларига ишлов бериш, бошқа агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилиши устидан қаттиқ контрол ўрнатиш кўзда тутилди.

Сув тақчиллиги шароитида Фарғона водийсида шоли экишни тақиқлаб қўйиш, бошқа областларда эса ихтисослаштирилган хўжаликлардагина экиш планига қатъий мувофиқ равишда шоли экиш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет органларининг диққат-эътиборини белгиланган лимитларга риоя этиш, сувдан фойдаланишда жуда қаттиқ интизом ўрнатиш, сув тақсимоти масалаларига билар-билмас аралашишларга йўл қўймаслик зарурлигига яна бир бор қаратади.

Республика Агросаноат давлат комитетига, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, «Главсредазиросовхозстрой»га суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланишини ошириш билан боғлиқ бўлган объектлар қурилиши юзасидан биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни белгилаш тавсия этилди.

Сувдан навбат билан фойдаланишни кўзда тутиб, сувни тежаб-тергаб сарфлашни, уни ташламаларга оқизишни бутунлай тугатишни, насос қурилмалари ва артезиан қудуқларини самарали ишлатишни таъминлаш лозим. Коллектор — зовур сувларидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш керак.

Республика Агросаноат давлат комитети, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда «Главсредазирсовхозстрой»га насос қурилмалари ва агрегатларини ремонт қилишни, шунингдек экинларни суғориш учун қудуқлар қазиш ва уларни жиҳозлашни 1986 йил 1 июлгача туғаллаш топширилди.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ана шу муддат ичида қишлоқларни электрлаштириш учун министрликка ажратиладиган маблағлар ва лимитлар ҳисобидан артезиан қудуқларига электр линияларини тортиб, трансформатор подстанцияларини жиҳозлаши зарур.

Ўзбекистон ССР Госпланига, Госснабига, Агросаноат давлат комитети ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига сув камчиллигига қарши кураш ишларини амалга ошириш учун қўшимча материал—техника ресурслари ажратиш масаласини иттифоқ органларида ҳал этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон ССР Госпланига, Агросаноат давлат комитетига, Госснабига механизмлар, автотранспорт, электротехника ва кабел маҳсулотлари, 1-Ш габаритдаги трансформатор подстанциялари, цемент, металл прокати, пўлат қувурлар, автомашиналар ва аккумуляторлар йиллик фондларини республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига ҳамда «Главсредазирсовхозстрой»га муддатидан олдин етказиб беришни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети Ўзбекистон ССР сув хўжалиги ташкилотларига қўшимча равишда ёнилғи-мойлаш материаллари фонди ажратишни кўзда тутиши, Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети эса бу материалларни бир маромда етказиб беришни таъминлаши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Госснаби зиммасига иттифоқ органларида республика территориясидаги заводларнинг планга қўшимча равишда ишлаб чиқарган жамики цементи, металл прокатлари, кабель маҳсулотларидан сув камчиллигига қарши кураш объектларида фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги фонди ҳисобига 2500 та насосни 1 августгача етказиб беришга эришиш, айни бир пайтда 600 та ЭЦВ-6 маркали насосни яна ҳам унумли ЭЦВ-8-10-12 насослари билан алмаштиришни ҳал этиш вазифалари топширилди.

СССР Давлат банкининг Ўзбекистон республика конторасига:

ишга тушириладиган комплекслар, навбатлар ва объектларнинг бутунлай тугалланган ва буюртмачилар қабул қилиб олган лойиҳалари учун лойиҳа ишларига;

айрим объектлар, ишга тушириладиган комплекслар ва навбатлар ишчи чизмалари ва сметалари бўйича қурилиш ишларига ҳақ тўлашни кўзда тутган ҳолда министрликлар, идоралар ва хўжаликларга ажратилган капитал маблағлар умумий лимити доирасида сув танқислигига қарши кураш юзасидан лойиҳа ва қурилиш ишларини 1986 йилда маблағ билан таъминлаш топширилди.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига зарур бўлиб қолган тақдирда қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар республиканинг қурилиш ва монтаж ташкилотларини сув танқислигига қарши кураш ишларига жалб этиш тавсия қилинди.

Республика, область ва район газеталарининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети колхоз ва совхозларнинг, республика барча қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув тақчил шароитда мўл ҳосил олиш борасидаги илғор тажрибасини кенг ёритиб борсинлар.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, колхоз ва совхозлари 1986 йилда суғорма ерларнинг сув таъминотини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўрадилар, сув ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлайдилар, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олинишига эришадилар, XII беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини бажарадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

*ЯГОНА СИЁСИЙ КУН*

# *ИЖОДИЙ МЕҲНАТ — МУВАФФАҚИЯТНИНГ ГАРОВИ*

КПСС XXVII съездининг тарихий қарорлари барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари учун ҳам коммунистик бунёдкорликнинг илҳомбахш программаси бўлиб қолди. Буюк Лениннинг таълимоти шу программада янада ривожлантирилди. Ҳозир бутун мамлакат В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда. Республиканинг меҳнат коллективлари ўзларининг ҳамма ўй-фикрлари ва куч-ғайратларини партиянинг стратегик йўлини амалга оширишга сарфламоқдалар. Бу йўл халқ хўжалигини интенсив тараққиёт йўлига ўтказишдан иборатдир.

11 апрель куни республикада бўлиб ўтган навбатдаги ягона сиёсий кунда шу гап таъкидланди. Докладчилар область партия комитетлари таклиф этган турли мавзуларда сўзладилар. Ҳамма ишларимиз ва режаларимизда яшаётган барҳаёт Ленин идеялари тўғрисида гапирилди. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш билан, инсон омили ролининг ошиши билан боғлиқ масалалар чуқур муҳокама қилинди. Учрашувларда ғарб пропагандистларининг КПСС ва Совет давлати тинчликсевар сиёсатининг моҳиятини бузиб кўрсатишга уринишларига қарши қатъий зарба берилди. Аҳолининг турмуш ва маданиятини юксалтириш, атеистик тарбияни яхшилаш проблемалари кенг муҳокама қилинди. Докладчилар саноат корхоналари, қурилиш, колхоз, совхоз, илмий муассасалар ва ўқув юртлари коллективлари ҳузурида, турар-жойларда қайси мавзуни тилга олмасинлар, уларнинг ҳаммаси партия режаларини амалга ошириш йўлларини излаш билан йўғрилганди.

(Давоми 2-бетда).

# Шанба ва якшанба кунлари қандай дам олмоқчисиз?

Комилжон САЪДУЛЛАЕВ

## НАВБАҲОР ҚЎШИҒИ

Қувна кўнгил, келди кўклам — навбаҳор фасли бу кун,
Янграгай қувноқ тарона авж олиб ҳар дам бу кун.

Бир тарафда қушлар базми, бир тарафда боғу-роғ,
Ҳамма дўстлар шоду ҳуррам, четда турган кам бу кун.

Майсалардан ям-яшил қир, лолалардан қип-қизил,
Гул тақиб байрамга чиқди ҳар дарахт там-там букун.

Гулшан ичра ҳар юракда орзу бордир турфа хил,
Ташлагай ерга уруғ меҳнатсевар одам бу кун.




## ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

● **БЎСТОНЛИҚ районининг Ғазалкент шаҳар маданият уйи эртага меҳнаткашларни «Октябрь билан туғилган санъат» деб аталган дўстлик фестивалига чорлайди.**

Халқ ижодиёти Бутуниттифоқ иккинчи фестивали муносабати билан ўтаётган бу кўрикда маданият уйининг қатор бадиий коллективлари, шунингдек, музика мактаби болалар хори, «ЧарвакГЭСстрой» бунёдкорлари маданият саройининг уруш ва меҳнат ветеранлари хор коллективи, район маданият уйининг «Гулёр» — онахонлар ансамбли иштирок этадилар.

Катта программада концерт, адабий композициялар, миниатюралар, цирк номерлари кўрсатиладиган бу тантанада Бекобод, Янгиобод шаҳарлари, Оққўрғон, Коммунистик, Янгийўл районлари маданият муассасаларининг бадиий коллективлари ҳам қатнашиб, ўз санъатларини намойиш қиладилар.

## МАРДЛИККА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАР

● **ОБЛАСТЬ кинолаштириш бошқармаси бу шанба, якшанба кунларида томошабинларни космос, космонавтлар ва олимлар ҳаёти билан кенгроқ таништиришни планлаштирди.**

Қатор шаҳар ва районлар кинотеатрларида «Ойдин йўл», «Академик Петров», «Вега ўтмишга парвоз қилади», «Инопланетянка» каби ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар намойиш этилади.

Чирчиқ шаҳридаги Навоий номли кинотеатрда якшанба куни ўтадиган «Юлдузлар чорлайди» деб аталган учрашувда эса учувчилар шаҳар мактабларининг ўқувчилари меҳмони бўладилар.

Шу куни Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози маданият саройида ҳам космонавтика кунига бағишланган кеча бўлиб ўтади. «Космосда тинчлик учун» мавзуида ўтадиган савол-жавоб кечасидан сўнг маданият саройи бадиий ҳаваскорлари ижросида концерт кўрсатилади.

## КЕЛИН-КУЁВЛАР КЛУБИДА

● **ЁШ оиланинг оёққа туриб олиши учун кўп нарса керак. Уй-жой, рўзғор буюмлари, замонавий либослар... Лекин энг муҳими уларнинг маънавий бойлигидир.**

Оила қурган ҳар бир ёшнинг ички дунёси тотув ва ширин ҳаёт кечиришга асос бўла олади.

## МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ, КИНОТЕАТРЛАР, ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ангрендаги бинокорлар маданият уйида биринчи бор иш бошлаётган ёш келин-куёвлар клубида яшаш тарзи, ўзаро муносабат, ёш оиланинг жамиятда тутган ўрни ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Сўнгра келин-куёвлар ўзлари билган қўшиқлар, рақслар асосида тайёрланган репертуарга мувофиқ концерт кўрсатишади.

## БОҒЛАР БАҒРИНИ ОЧМОҚДА

● **ШАНБА куни эрталабданоқ пойтахтимиз истироҳат боғларида музика янграйди. Ораста хиёбонлар, аттракционлар, ёзги клублар дам олувчилар учун бағрини очади.**

Шаҳардаги 16 та паркнинг ҳар бири бу кунга муносиб ҳозирлик кўрди. Айниқса болалар учун ўтказиладиган тадбирлар ранг-баранглигига эътибор берилди. Паркларда дам олиш кунлари шахмат-шашка мусобақалари, билағонлар ва топқирлар конкурслари, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари уюштирилади.

Космонавтика куни муносабати билан қатор пионерлар уйларидаги ёш космонавтлар тўгараклари аъзоларининг ишларига оид кўргазмалар ташкил этилади.

✦

● **ДАМ олиш кунлари Коммунистик районидаги «Политотдел», «Правда», «Ленинский путь» колхозларида ҳам меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Хусусан, «Правда» колхозининг «Париж коммунаси» участкасида колхозчилар Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг делегати Ойша Ҳамроева билан учрашадилар.**

**Шу кунлари район марказидаги «Снежинка» кафесида ёшлар кечаси уюштирилади.**

С. ҲАСАНОВ.

## «КРУГОЗОР»ГА МАРҲАМАТ

А. НАВОИЙ номли Ўзбекистон ССР давлат кутубхонасида адабиёт ва санъат ихлосмандлари учун «Кругозор» клуби ташкил этилди. Клуб аъзолари кутубхона фондидаги нодир асарлар билан танишиш, машҳур кишилар билан учрашиш имкониятига эга бўладилар.

Яқинда клубнинг биринчи ташкилий кечаси бўлиб ўтди. Кутубхонанинг нодир китоблар бўлимида сақланаётган бебаҳо асарлар ҳақида маълумотлар берилди. Республика ва Бутуниттифоқ конкурсларининг ғолиби Шуҳрат Йўлдошев қадимий миллий музика асбобларидан бири — ғижжакнинг яратилиш тарихи, Ибн Синонинг беморларни даволашда ғижжакнинг сеҳрли оҳангларидан фойдаланганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди ва ғижжакда классик куйлар, ҳозирги замон совет ва чет эл композиторларининг асарларидан намуналар ижро этди.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

## «ИЛҲОМ»ДА КЎРГАЗМА

Республикамиз пойтахтидаги «Илҳом» клубида графика жанрида ижод қилувчи ва журналист-рассомларнинг КПСС XXVII съездига бағишланган асарлари кўргазмаси очилди. Унда 30 нафар мўйқалам устасининг турли мавзу ва жанрлардаги 150 та асари намойиш қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. Евенко, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати Ф. Кагаров, Г. Ткачёв, И. Циганов, Б. Штин каби тажрибали рассомлар билан бир қаторда Х. Лутфуллаев, Ҳ. Солиҳов, В. Немировский сингари ёш ижодкорлар чизган суратларда давримиз руҳи, республикамизнинг кундалик жўшқин ҳаёти, турмушимизнинг турли жабҳаларида қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатаётган замондошларимиз қиёфаси, ўлкамизнинг фусункор табиат манзаралари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

А. Балкановнинг «В. И. Ленин — Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг асосчиси» ҳамда Д. Махотиннинг «Кучимиз — бирликда» деб номланган плакатлари билан бошланган мазкур экспозицияда кўпгина диққатга сазовор асарларни кўриш мумкин. В. Думкиннинг «Ичкиликбозлик — иллат», В. Евенконинг «Давр талаби», Г. Ткачёвнинг «Бомбалар ёғилмасин», Н. Галиевнинг «Муддатидан илгари қурамиз, муддатидан илгари ўзлаштирамиз» плакатлари, Б. Штин ва Ҳ. Солиҳовнинг турли адибларнинг асарларига ишлаган расмлари, Х. Лутфуллаевнинг республикамиз донгдор кишиларининг образлари акс эттирилган портретлари, В. Будаевнинг «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Ботаника боғи бўйлаб» сериясидаги этюдлари шулар жумласидандир.

Мазкур кўргазма санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

У. АБДУШОҲИДОВ.




● СУРАТДА: кўргазма залида. А. Зуфаров фотоси.

## «ИНСОФ МЕЗОНИДАН БЕРАМАН БАҲО»

ТАҚРИЗ

Омон Мухторов самарали қалам тебратаётган истеъдодли ижодкорлардандир. Унинг наср ва назмда бирдай изланаётганлиги ижодий юксалишига хизмат қилаётир. Яқинда шоирнинг «Марварид» тўплами Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан «Лирика» сериясида нашр этилди. Мазкур тўпламдаги шеърлар муаллифнинг лаҳзалик кечинмаларидан тортиб давримизнинг ўткир ижтимоий масалаларига бўлган муносабатини ифода этади.

Тўплам билан танишиб, О. Мухторов лирикасида гражданлик мотивлари тобора кенгроқ миқёсда талқин этилаётганини кўрамиз. «Марварид»даги шеърларда давр ва одамларга баҳо беришда фалсафийликка интилиш сезилади. Шоирни кўпроқ ҳаёт қадри, умрнинг қадр-қиймати ўйлантиради. Хусусан, у «Одамлар» шеърида замондошларини уч тоифага ажратади:

**Дўстлар!**
**Уч тоифа одамни кўрди —**
**Аслида, бу дунё азал-**
**азалдан.**
**Бири... туғилмоққа бугун**
**улгурди —**
**Ўлди кечаги кун тамғаси**
**билан.**
**Бири... бугун келди,**
**бугун яшади,**
**Оқшомга борди-ю,**
**кесилди дами.**
**Сўнггиси... туғилди.**
**Қадам ташлади —**
**Эртани кўзлади унинг**
**қадами.**
**Ахир, туғилмасдан**
**ўлмоққа ёки —**
**Бир кун яшамоққа**
**кимнинг тоби бор?!**
**Менинг замондошим**
**шошилар, токи —**
**Бўлсин эртага ҳам умр**
**барқарор!**

Шоирнинг бу таснифига беихтиёр қўшиламиз. Таассуфки, ўтган кун нафаси билан яшайдиган, ўз даврининг илғор қарашлари, маданияти ва тараққиётидан ортда қолиб кетган, яъни ўз умригагина татийдиган юмушлар билан овора кишилар орамизда кам эмас. Эҳтимол, ҳаётга чуқурроқ разм солинса, уларнинг бошқа тоифаларини ҳам инкишоф этиш мумкиндир. Улардан мешчанлик, худбинлик, лоқайдлик ҳиди анқиб туради: Бу асар орқали шоир инсонларга маънавият нуқтаи назаридан баҳо беради.

«Инсоф» шеъри гражданлик пафоси билан йўғрилган асарлардан. «Инсоф мезонидан бераман баҳо...» дея ўзининг ижодий позициясини аниқ ифодалаган шоир замондошларимизнинг ўзига хос образларини яратишга ҳаракат қилади. Айниқса, айтмиши билан қилмиши терс зиёли ҳамда худпараст хизматчи қиёфасини сатирик бўёқда маҳорат билан тасвирлайди.

Кишилар маънавий қиёфасидаги нотугалликни таҳлил қилар экан, шубҳасиз, шоирни бундай ҳолни келтириб чиқарувчи сабаблар ўйлантиради. Ижодкорнинг зийрак нигоҳи жамиятимизнинг келажаги — ёш замондошларимиз ҳамда уларнинг маънавий раҳнамолари — катталар, ота-оналарга қадалади. Ёшлар тарбиясидаги нуқсонлар уни қаноатлантирмайди. Замондошларимиз характеридаги камчиликларнинг илдизи тарбия тарзида деб билади. «Соялар» шеъри ана шундай мушоҳадалар самараси ўлароқ майдонга келган.

Икки хил ношуд тарбия оқибатида лоқайд, худбин, жамият учун зарарли шахслар вужудга келишини шоир шундай тасвирлайди:

**Мен биламан:**
**Кўчаларда булар иккиси**
**Учраб қолса,**
**ёмон тушдир,**
**аянчли бир туш.**
**Менда**
**қора сояга бор адоват**
**ҳисси,**
**Оқ сояга ундан кўпроқ**
**қарайман нохуш.**

Ўсимликлар ва ҳайвонот оламига муносабат кейинги йиллар ўзбек шеъриятида етакчи тенденциялардан бирига айланди. Табиатга меҳр мавзуи «Марварид»да ҳам алоҳида ўрин тутади. Лекин унинг «Ит ҳақида эртак» шеъри оригинал асар даражасига кўтарилмаган, унинг поэтик хулосагача бўлган қисми С. Есениннинг машҳур «Ит ҳақида достон» шеърини эслатади. Иккала асарда ҳам тасвир объекти бир хил. Тафовут шундаки, Есенинда ит болалари унинг эгаси томонидан сувга чўктирилади. Омон Мухторда эса жониворни кимдир нонга игна қўшиб бериб ўлдиради. Ҳар икки асарда ҳам рамзий қаҳрамон изтироблари орқали тошбағирликка қарши нафрат изҳор этилади.

О. Мухторов табиат манзараларини таъсирчан тасвирлашга интилади. Маълумки, ҳар бир манзара шеър замирида муҳим адабий хулоса ётмоғи лозим. Шу жиҳатдан «Айни ёз...», «Аста этак силкиб...» каби шеърлардан аниқ бир хулосани илғаб олиш қийин.

Китобда шоирнинг ғазалнависликдаги изланишлари ҳам акс этган. Ғазал яратиш бобида О. Мухторов муайян натижаларга эришаётир. Масалан:

**Шудир дунё: ёниб баъзан,**
**Ўзи сезмай куяр инсон,**
**Чекинмоққа илож йўқдир,**
**бу дунёни суяр инсон.**

матлаъли фалсафий руҳдаги ғазал эътиборга лойиқ.

Лекин айрим ғазаллар бадиият жиҳатдан анча оқсайди:

**Бўлди минг йил қонга**
**ғарқ бечора Шарқ,**
**Қонли бир уммонга ғарқ**
**бечора Шарқ,**
**Бўлди ғарқ гоҳо кишан,**
**занжирга гоҳ,**
**Гоҳида зиндонга ғарқ**
**бечора Шарқ...**

Бу сатрлар фикрий саёзлик, жимжимадорлик асоратида қолиб кетган. Фикрий саёзликнинг боиси шундаки, ҳар байтдаги биринчи мисра мазмунини иккинчиси ҳам такрорлаган. Аслида, бундай такрорга сира эҳтиёж йўқ. Жанр талабига кўра, иккинчи мисра биринчисининг мазмунини тўлдириши, поэтик маъно изчил давом эттирилиши ва якунланиши керак.

**Юракни этма, жоним,**
**парча-парча,**
**Ўзинг ҳам кетма, жоним,**
**парча-парча...**

Аёнки, қофия, ички қофия, радифлар ғазал учун фақат зеб-зийнат вазифасини ўтамайди. Аксинча, асарда ифодаланаётган фикр-ғояни кучайтиришга ҳам хизмат қилади. О. Мухторовнинг мазкур ғазалида эса радиф учун шеър яратилгандек бўлиб қолган.

Ўйлаймизки, бундай камчиликлар «Марварид» китобининг умумий ғоявий-бадиий аҳамиятига раҳна сололмайди. Китобхонни қувонтирадиган жиҳати шундаки, шоир бадиий маҳорат сирларини пухта эгаллаш борасида сидқидилдан ҳаракат қилаётир. Бу, албатта, ўзининг муайян самарасини бермоқда.

Н. ЖУМАЕВ,
филология фанлари кандидати.

## ҲАММА — СТАДИОНГА!

### СПАРТАКИАДАЛАР, СТАРТЛАР, ТУРНИРЛАР

□ ОЛМАЛИҚ. Якшанба куни Олмалиқ шоссесида Тошкент область шаҳар ва районларининг велосипедчилари шоссе пойгасида куч синашадилар.

□ ҒАЛАБА. Район марказий стадионида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Е. Уткин хотира соврини учун баскетбол бўйича республика мусобақалари ўтказилади. Турнирда Жамбул, Фрунзе, Наманган, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл, Бухоро, Навоий, Оққўрғон, Ғалаба баскетболчилари командалари қатнашади. Шу куни район физкультура ва спорт ходимлари оммавий равишда ГТО нормативларини топширадилар.

«Оқ олтин кубоги» учун район мусобақаларининг чорак финал учрашувлари ўтказилади.

Якшанба куни райондаги — «Ғалаба» стадиони, «ЎзССР 5 йиллиги», Димитров номли совхозларнинг спорт майдонларида футбол бўйича қишлоқ хўжалиги ходимлари область касаба союз комитетининг биринчилиги ўтказилади.

□ ОҚҚЎРҒОН. Район марказий стадионида «чарм тўп» соврини учун мактаб ўқувчилари командаларининг учрашувлари ўтказилади.

Якшанба куни қишлоқ футбол командалари ўртасидаги район чемпионатининг ярим финал ўйинлари бўлади.

□ ТРАКТОР заводи спорт комплексида якшанба куни соат 10.00 да спорт мавсумининг очилишига бағишланган оммавий байрам ўтказилади. Завод цехлари баскетбол, кураш, дзю-до, самбо, волейбол командаларининг кўргазмали чиқишлари уюштирилади.

□ «ТЕКСТИЛЬЩИК» стадионида ҳам якшанба куни соат 10.00 да ёзги спорт мавсуми очилиши муносабати билан оммавий байрам ўтказилади. Унда Фрунзе районининг барча спорт турлари бўйича терма командалари иштирок этадилар.




### БУГУН ФИНАЛ

□ СПАРТАКИАДА программаси асосида волейболчиларнинг мусобақалари Қўқон шаҳрида ўтказилмоқда. 4 та группада саралаш учрашувлари ниҳоясига етди. Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Сирдарё области вакиллари ғолиб келиб, финалда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Тошкент области вакиллари эса Навоий, Хоразм ҳамда Самарқанд волейболчилари билан бирга умумий 5—8 ўринлар учун кураш олиб боради.

Бугун финал учрашувлари бошланади.

### КИМНИНГ МЎЛЖАЛИ АНИҚ?

□ СПАРТАКИАДАНИНГ городки мусобақалари Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Маълум квадратдаги таёқчаларни нишонга олишда тошкентлик «Старт» вакили Анатолий Смирновга тенг келадиган спортчи топилмади. У 90 фигурани уриб чиқариш учун 136 бит сарфлади ва спартакиада чемпиони бўлди. Олмалиқлик Михаил Волосенков иккинчи ўринни олди. Самарқандлик Анорбой Измайлов учинчи бўлди.

Командаларнинг финал мусобақасида «Старт» коллективини 3,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратган «Меҳнат» городкичилари бош соврин эгаси бўлдилар. Худди шундай ҳисобда «Локомотив» коллективини енгган «Спартак» вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

### «БУРЕВЕСТНИК» ОЛДИНДА

□ ШАХМАТЧИЛАР мусобақаси Самарқанд шаҳрида ўтказилмоқда. Ғолиблик учун турли кўнгилли спорт жамиятларининг саккиз командаси даъвогарлик қиляпти. Икки тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Буревестник» шахматчилари «Меҳнат» командасини 5:1, «Меҳнат резервлари» вакилларини эса 5,5:0,5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, пешқадамликни қўлга олдилар. «Локомотив» вакиллари «Динамо» командасини 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Спартак» — «Меҳнат» баҳсида спартакчилар 4:2 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ...

**Химчистка фабрикаси усталарини уйга чақиртирсангиз —юмшоқ мебель, гилам ва полосларингиз яна янгидек бўлади.**

«ЭЛЕКТРОШАМПОН» усули билан тозаланган буюмларнинг чиройи очилади. Куяга ва бактерияларга қарши ишлов бериш эса буюмларнинг узоқ вақт хизмат қилишини таъминлайди, уларни дезинфекциялайди.

**ТОЗАЛАШ БАҲОСИ:**

**ГИЛАМДЎЗЛИК БУЮМЛАРИ — 1 квадрат метри учун 0-85 тийин.**

**КРЕСЛОЛАР —1 донаси учун —1 сўм;**
**СТУЛЛАР —1 донаси —50 тийин;**
**ДИВАН—3 сўм;**

**КРЕСЛО-ДИВАН-СОФА — 2 сўм.**
**Куяга қарши ишлов бериш нархи —1 квадрат метрига— 0.15 тийин.**

**Буюртмани тез бажариш учун (3 соат мобайнида) тариф баҳосининг 50 проценти ҳажмида қўшимча ҳақ олинади.**

**Усталар 0-65 телефони орқали чақирилади.**
**Уйда хизмат кўрсатилганлиги учун 50 тийин қўшимча ҳақ тўланади.**



«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

1986 йилнинг биринчи кварталида

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИГА КЕЛГАН

### БУЮРТМА ФИЛЬМЛАР

Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги янгилик.
Чўчқа гўшти етиштиришни самарали ташкил этиш.
КамАЗларга марказлашган хизмат кўрсатишни ташкил этиш.
Оғир ва транспорт машинасозлигида илмий-техника тараққиёти.

Далаларга комплекс агрохимик ишлов бериш.
Саноат усулида саримсоқ пиёз етиштириш технологияси.
Қурилиш материалларини иқтисод қилиш.
«Минтяжстрой» рамалари —юксак самарали конструкциядир.

МТС—1 —бетон учун янги самарадор қўшимча.
Байрам дастурхони ва болалар.
Элкетр қурилмаларини кўздан кечириш вақтида хавфсизлик чоралари.

Диққат! Шунт!
Бегона ўтларга қарши кураш.
Мен розиман.

Ҳар эҳтимолга қарши.
Ҳарбий билимлар пропагандисти.

«Гуков уголь» ишлаб чиқариш бирлашмасида техника ижоди.

Тайёрланган саҳнга замин ётқизишнинг янги усули.
«Стрела—77» проходка машинасидан фойдаланиш тажрибаси.
Қишлоқ хўжалик юкларини ташиш вақтида ҳаракат хавфсизлиги.

ОХП—10 ўт ўчириш асбобидан қандай фойдаланиш керак?
Автомобиль ҳақида бор гап.
Тадбиркорга ҳамиша омад ёр.
Ёқилғи-мойлаш материалларидан рационал фойдаланиш.
Қурилиш индустрияси корхоналарида иш юритишнинг хавфсиз методлари.
Цейтнот.
Иш манфаатини кўзлаб.
Ёнғин —стихия эмас.

Бирлашмада коллектив социал ривожланишини бошқариш.
Ўт ичида.

Суғориш системаларига техника хизмати кўрсатишни ташкил этиш.
Электр машинасозлигида НОТ.

Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш вақтида иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланиш.
Самосвалда... қўзиқорин излаб.
Бу —бекатда юз берди.

Қаршидан келувчи кўзни қамаштирди.
Радиоактив зарарланиш оқибатларини тугатиш.

Фан ютуқларини планлаштириш ва жорий этиш.
Техникани сақлаш ва унинг чиришига қарши ҳимоя.
Рулда —маст.

ДЗ—122 автогрейдерига техника хизмати кўрсатиш.
Интенсив ўрдакчилик.
Каналлар ёнбағрларини текислаш учун мослама.

Йўл, транспорт, болалар.

Куйбишевлик нефтчилар илғор тажрибаси.

Қурувчиларнинг долзарб вазифалари.

Устахона нима учун ёниб кетди?

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги труба ётқизгичлар.


Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети аппарати партия бюроси, касаба союз комитети область партия комитетининг масъул ходими О. Р. Назаровга онаси

**Миновар НАЗАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

**БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32**



Р. — 08698. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. 1582.

ИНДЕКС 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12